# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 9 октябрь, № 212 (7714) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ИШ ТИЗИМИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Хотин-қизлар ва ёшлар — аҳолининг катта қисми, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнгги йилларда ушбу икки йўналиш бўйлаб Ўзбекистонда давлат сиёсатини маҳалла даражасигача юритадиган вертикал тизим яратилди. Ёшлар масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, унинг 3 нафаргача мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимининг 3 нафар ходими, вилоятда ҳам ҳоким ўринбосари, унинг 4 нафар мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бошқармасининг 11 нафар ходими ажратилди.

Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари, туманда — маҳалла ва оила бўлими бошлиғи ўринбосари ва 2 нафар мутахассиси, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирлиги берилди.

Бундан ташқари, ёшлар масалаларини ҳал этишга Президентнинг Халқ қабулхоналари, хотин-қизлар масалаларини ҳал этишга эса Касаба уюшмалари бириктирилди.

Лекин жойларда ушбу идоралар, тўртта сектор ишни самарали ташкил эта олмаётгани бор гап.

Шу боис видеоселектор йиғилишида хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизими жорий этилиши таъкидланди.

Маълумки, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни "темир дафтар" тузилган эди. Энди худди шунингдек ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" шакллантирилади. Бу рўйхатлар "темир дафтар"дан алоҳида бўлади. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилади. Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилади.

Йиғилишда ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш тизими Хатирчи тумани ва Янгиер шаҳри мисолида муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга ушбу тизимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳар бир вилоятнинг биттадан шаҳар ва туманида, яъни 28 та ҳудудда синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Секторлар раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакилларига ҳар бир маҳалладаги ҳолатни ўрганиш, ёшлар ва аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиб, эҳтиёжларини, қизиқишларини аниқлаш ҳамда шу асосда манзилли чоралар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

**— Бундан кейин одамларнинг уйига бориб, ишга муҳтожларни ишга жойлаштириш тизимини яратишимиз керак. Энди қайси жойда раҳбарлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, ўша жойда вазият ўзгаради. Энг асосий мақсад — иқтисодий барқарорликдан натижадорликка ўтиш, — деди Президент.**

Ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш муҳимлиги таъкидланди.

Масалан, оилавий психолог хизмати ва туман адлия бўлими орқали ҳуқуқий маслаҳатларни бепул ташкил қилиш мумкин. Ёлғиз кекса аёллар билан патронаж ҳамширалар, ёшлар, маҳалла ва оила бўлимлари ишлаши лозимлиги қайд этилди.

Ишсиз ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш ҳокимнинг инвестиция бўйича ўринбосари, туман ва шаҳар бандлик бўлими, Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази, Бош вазир қабулхоналари ва банкларнинг энг муҳим вазифаси бўлиши кераклиги айтилди.

Ўз меҳнати, иродаси туфайли катта ютуқларга эришган машҳур шахслар билан учрашувлар ташкил этиб, ёшлар ва хотин-қизларга кучли мотивация бериш, чет тили, касб-ҳунар ва бизнесга ўргатадиган аудио ва видео материаллар тайёрлаб тарқатиш ҳам яхши самара беради.

Йиғилишда "ижтимоий шартнома" тажрибасини кенг қўллаш муҳимлиги айтилди. Бунда, аввало, фуқаро касб ўрганиши, ишга жойлашиши, ўзини ўзи банд қилиши учун давлат томонидан моддий ва ижтимоий кўмак кўрсатилади.

"Дафтар"лар билан ишлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди. Улар билан ҳамкорликни кенгайтириб, жазони ўтаб қайтганларнинг ижтимоий мослашуви, ёшлар ва аёлларни психологик қўллаб-қувватлаш, уларни чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш муҳимлиги айтилди.

Бу ишларга "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг салоҳияти сафарбар этилади. Бундан ташқари, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларга йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади.

Йиғилишда мўлжалдаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун уларни барқарор молиявий манбалар билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганишларда маълум бўлишича, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 55 фоизи ўрта маълумотли. Ишсиз ёшларнинг ҳам кўпчилиги замонавий билим ва ҳунарларни эгалламаган.

**— Ёшлар ва хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-ҳунарларга тайёрлашни тизимли йўлга қўйсак, уларнинг муносиб иш топишига кўмаклашсак, кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал бўлади. Бунинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки мингдан зиёд нодавлат касб-ҳунар таълими марказларини ҳам жалб қилиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Қайд этилганидек, бу борада мутлақо янги тизим жорий қилиниб, нодавлат касб-ҳунар таълими марказлари орқали ёшлар ва аёлларда касбий кўникмаларни шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар миқдоридаги маблағ йўналтирилади. Шунинг 10 миллиони ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитишга, 90 миллиони эса ўқув курсларини тамомлаб, сертификат олганларга имтиёзли кредитлар ажратиш учун сарфланади. "Ижтимоий шартнома" орқали нодавлат касб-ҳунар ўқув курсларини битирадиган ёшлар ва аёлларга таълим харажатлари учун 1 миллион сўмгача субсидия берилади.

Яна бир масала — Касб ва лавозимлар классификатори бугунги замон ва меҳнат бозори талабларига мос келмайди. Мисол учун, унда 2 минг 484 та, яъни 70 фоиз хизматчи лавозими бўйича олий маълумот талаб этилади. Хусусан, маълумотлар базаси билан ишлайдиган мутахассис, веб-дизайнер каби ихтисосликларга олий малака талаби қўйилган. Ушбу касбларни IT-марказларда ярим йилда яхши ўрганиш мумкин.

Кутубхоначи, таржимон, банк агенти, реклама мутахассиси каби кўплаб вазифаларга ҳам олий маълумот талаби қўйилган. Меҳнат бозорида бундай касблар бўйича 4 мингга яқин вакансия мавжуд.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Касб ва лавозимлар классификаторида олий маълумот талаб қиладиган мутахассисликлар ва лавозимларни қисқартириш вазифаси қўйилди.

Ҳокимларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари "ёшлар дафтари", маҳалла ва оила масалалари бўйича ўринбосарлари "аёллар дафтари"га масъуллиги белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимларнинг ахбороти эшитилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 октябрь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар кун тартибидаги долзарб масалаларни батафсил кўриб чиқдилар. Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва қардошлик риштлари, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган фаол мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши оқибатларини самарали енгиб ўтиш мақсадида амалий ҳамкорлик бўйича, энг аввало, савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транзит, қишлоқ хўжалиги ва бошқа муҳим тармоқлардаги лойиҳаларни илгари суриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода, икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари томонидан ўтган ойда ўтказилган сиёсий маслаҳатлашувларнинг самарали натижалари ижобий баҳоланди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида қабул қилинган қарорлар ва эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар.

Тизимли ва барқарор тус олаётган ушбу муҳим формат доирасида сермаҳсул мулоқот олиб борилаётгани мамнуният билан таъкидланди.

Минтақадаги кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида хавфсизлик, иқтисодиёт, инновациялар, транспорт, фан, таълим, туризм ва маданият соҳалари кўрсатиб ўтилди.

Давлат раҳбарлари Қирғиз Республикасидаги воқеалар ривожига алоҳида тўхталдилар. Ушбу мамлакатдаги вазият Қирғизистон Конституциясига мувофиқ ҳолда тез фурсатда барқарорлашиши зарурлиги қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ МЕРОСИНИ ЯНАДА ЧУҚУР ЎРГАНИШ ВА УЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтган даврда ушбу йўналишда муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Юртимизда **2001 йилдан буён ҳар йили 31 август — "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни"** сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. **"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси** барпо этилди. **"Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи** ҳамда ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошида унинг бўлимлари ташкил этилди.

**Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий** каби улуғ маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бағишланган муҳташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди, ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Сиёсий қатағон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юртдошларимизнинг номларини аниқлаш, уларнинг қолдирган меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари, бадиий ва ҳужжатли асарлар яратилмоқда.

Дунёда глобал хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳамда миллий ўзликни англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётган бугунги даврда мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатағон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларининг, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимизнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодимизни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги тарихий маълумотларни холис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш кераклигини янада чуқур англашга хизмат қилади.

Кўп миллатли халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўла юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бадиий академия ҳамда кенг жамоатчиликнинг **қатағон қурбонлари меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштириш** ҳақидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

2. **Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**(Давоми 2-бетда).**

# МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН ҒОЯТ МУҲИМ ЁНДАШУВ

*Куни кеча Президентимиз раислигида жамиятимизда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, вилоят ва туман ҳокимлари хотин-қизлар ҳамда ёшлар масалалари бўйича янги иш тизимининг аҳамияти хусусида ўз фикрларини билдирди.*

## Муносабат

**Гулнора МАЪРУФОВА, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Таъкидлаш жоиз, ушбу селектор ҳаётимиз келажагини ҳал этадиган йиғилиш бўлди. Унда аёллар ва ёшлар масалалари, уларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда фаоллигини оширишга қаратилган ишлар таҳлилий-танқидий муҳокама этилгани бежиз эмас. Чунки ижтимоий масалаларнинг аксарияти айнан хотин-қизлар билан боғлиқ, десак, адашмаймиз.

Бугунги йиғилишнинг тарихийлиги шундаки, унда давлатимиз раҳбари томонидан "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари" ташкил этилиши бўйича зарур йўналишлар белгилаб берилди. Бундай янгича ёндашув катта самара беради. Эндиликда ушбу дафтарлар юритилиши орқали барча опа-сингилларимизнинг орзу-умидлари рўёби сари йўл очилади, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш тизими яратилади.

Эътиборлиси, мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича алоҳида жамғарма ташкил этиладиган бўлди. Демак, жамғарма маблағлари "аёллар дафтари"га киритиладиган хотин-қизларнинг муаммолари ижобий ҳал этилишига имкон яратади. Фонддан ажратиладиган сармоялар эса аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида катта аҳамият касб этади.

Эндиликда ҳар бир хонадонга кириб, муаммоларини чуқур ўрганишимиз ва уларнинг ечимини топишимиз, демакки, оилалар ҳамда хотин-қизлар билан индивидуал тарзда ишлашимиз шарт.

➔ 2

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида

# ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

*Мамлакатимизда ислоҳотларнинг янги босқичида суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.*

Соҳада амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди. Шунингдек, судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини бераётир.

➔ 2

# Гендер тенглик нуқтаи назаридан муносиб меҳнатни таъминлаш ҳаётий зарурат

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси раиси Танзила Норбоеванинг Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бюроси раҳбари Ольга Кулаева билан гендер тенглик нуқтаи назаридан муносиб меҳнатни таъминлаш масалалари муҳокамасига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Ҳусанов, Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов ҳамда бошқалар қатнашди.*

## Ҳамкорлик

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. ХМТ конвенциялари мамлакатимизда татбиқ этилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро меҳнат стандартларига мувофиқлаштиришга имкон бераётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Айни чоғда юртимизда бу халқаро ташкилот конвенцияларини амалга оширишда сезиларли ютуқларга ҳам эришилди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистонда меҳнат соҳасида хотин-қизлар мавқеини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйилганлиги ҳам эътироф этилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда муносиб меҳнат ва ижтимоий ҳимояни рағбатлантириш ҳамда қонунлар, сиёсат, институтлар ва амалиётда гендер стереотипларни йўқ қилиш бўйича муҳим чоралар кўрилмоқда. Гендер тенглик соҳасидаги ислоҳотлар самараси натижасида вазият ижобий томонга ўзгармоқда. Тадбир иштирокчиларига сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини, айниқса, пандемия даврида кенгайтириш бўйича кўрилган амалий чора-тадбирлар ва олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Муҳокамалар чоғида ушбу йўналишда мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди. Хусусан, тегишли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, миграция ва ишга қабул қилиш тизимини қайта кўриб чиқиш, давлат секторида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Томонлар бу борадаги ҳамкорликнинг янги йўналишлари тўғрисида ҳам фикр алмашдилар.

**«Халқ сўзи».**

## Мушоҳада

# МАТБУОТ ХУДДИ ДАРСЛИК КАБИДИР



*Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қалбимиздаги оғриқли нуқталардан бири, яъни босма нашрларга эътиборсизлик масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.*

*Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда мажбурий обуна баҳонасида ихтиёрий обуна ҳам йўққа чиққани, бунинг натижасида мактаблар ва олийгоҳларнинг ўқитувчилари ўзлари учун зарур бўлган газета ҳамда журналлардан мосуво бўлиб қолганини алоҳида таъкидлади. Ростдан ҳам бу, ҳаётий ҳақиқат.*

Илгари мактабларда дарс бошланишидан аввал беш дақиқалик ижтимоий-сиёсий ахборотлар билан танишув, яъни газеталар шарҳи ўтказиларди. Ота-оналаримиз ҳам ишдан уйга қайтишида қўлларида бир даста газета билан қайтар, кечқурун оила даврасида ёши катталар ва биз фарзандлар ҳам талашиб-тортишиб матбуот нашрлари мутолааси билан машғул бўлар эдик. Ҳозирги кундаги катта авлоднинг сиёсий етуклигига шу ҳам сабаб бўлгандир балки.

Афсуски, бугунги кунда кўпчилик газета ўқимай қўйгани рост гап. Тезкор давр ўз таъсирини кўрсатди: одамлар ишга кетишда ёки қандайдир юмушдан сал ортганда ижтимоий тармоқлар орқали йўл-йўлакай ахборот олишга ўрганиб қолди. Бу ҳам керак, аммо бу билан инсоннинг маънавияти, дунёқараши кенгайиб қолмайди. Буни тўғри тушуниш керак. Ахир қуруқ ахборот билан онгни ўстириб бўлмаслиги кундек равшан ҳақиқат.

Қолаверса, ҳамма даврларда холислик ва ҳаққонийлик журналистиканинг олтин қоидаларидан бўлиб келган. Бу мезонларни унутган, унга амал қилмаган журналист ўқувчилар ишончини йўқотади. Ёлғон, олди-қочди, шов-шув хабарларга асосланган ОАВнинг умри қисқа бўлади.

Менинг диққатимни тортган унсур, айнан матбуот нафақат бугунги кун панорамасини тўлиқ кўриш ва кузатиш, балки келгусидаги истиқболни ҳам яққол тасаввур қилишга ёрдам беради. Матбуот худди дарслик сингари барча мавзуни, мамлакатнинг бутун тарихий йилномасини қамраб олади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка очиқ-ошкора, тушунарли тарзда етказувчи ҳам — газеталардир. Ундаги мақола — эртагаёқ эсдан чиқиб кетадиган узуқ-юлуқ фактнинг ўзигина эмас, унда мулоҳаза бор, шарҳ бор.

➔ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ МЕРОСИНИ ЯНАДА ЧУҚУР ЎРГАНИШ ВА УЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Қуйидагилар Ишчи гуруҳнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда малакали олимлар ва мутахассислардан иборат тегишли гуруҳларни тузиш;

қатағон қурбонларини вилоят, туман ва шаҳарлар кесимида номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш бўйича ушбу гуруҳларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш;

қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларини чуқур биладиган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий материалларни, ноёб суратларни тўплаш ишларини мувофиқлаштириш;

аниқланган қатағон қурбонларининг номларини **Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида барпо этиладиган рамзий китоб** саҳифаларига киритиш;

шаҳид бўлган юртдошларимиз хотирасини келгуси авлодларга безавол етказиш мақсадида **кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" китоби** нашрга тайёрланиши ва чоп этилишини таъминлаш;

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда унинг ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошидаги бўлимларининг фондлари ва экспозицияларини янги топилган маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб борилишини ташкиллаштириш;

хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, илмий экспедициялар ташкил этиш;

ўрганишлар жараёнида аниқланган, муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиб бориш;

қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида илмий-тарихий китоблар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратиш ишларини мувофиқлаштириш;

қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар туғилиб вояга етган ва истиқомат қилган маҳаллалар ва умумтаълим мактабларида хотира бурчакларини ташкил этиш;

**"Инсон — азиз, хотира — муқаддас"** деган ғоя асосида барча туман, шаҳар ва маҳаллаларда аҳоли, айниқса, ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-боболаримизнинг хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг кўрсатган жасорати ва ибратли фаолиятларини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш.

4. **Қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича "Йўл харитаси"** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ишчи гуруҳга қатағон қурбонлари номларини аниқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини, экспертларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакилларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида қатағон қурбонларининг номлари қайд этиладиган рамзий китобни яратиш, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошидаги бўлимларининг, шунингдек, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фондининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фонднинг ҳомийлар гуруҳи таркибини янгилаш ва улар томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантларини жалб этиш юзасидан **Ҳукумат қарорини** қабул қилсин.

Бунда, жумладан, хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш, чет элдаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганиш, шунингдек, қатағон қурбонлари ҳақида янги бадиий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, хотира китоблари ва фотоальбомларни нашр этиш, ташкилий ишларни молиялаштириш масалалари кўзда тутилсин.

7. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу фармойиш ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, мавзуга оид телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни эфирга узатиш ҳамда матбуот нашрлари ва интернет саҳифаларида мақолалар эълон қилиш тавсия этилсин.

8. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Р.С.Қосимов ва А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 8 октябрь

# ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

1

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони соҳадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Бинобарин, мазкур ҳужжатда суд фаолиятини такомиллаштиришга оид бир қатор вазифалар белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, "Жиноят процессига жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институти жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда экспертлар томонидан мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган тадбир видеоконференцалоқа тарзида ўтказилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан судда ишларни кўришда инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишувчанлик тамойилини амалда рўёбга чиқариш мақсадида жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув институтини жорий этиш белгиланяпти.

Муҳокамалар жараёнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Даврон Арипов ўз фикрларини баён қилди. "Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институтининг жорий этилиши судга келиб тушган жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида тарафларнинг иштирокига хизмат қилади.

Бугунги кунда ушбу босқичда тарафлар қатнашуви чекланганлиги сабабли мазкур жараёнда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалаларни (масалан, ишни тугатиш ёки тўхтатиш) судья якка тартибда ҳал қилишга мажбур. Оқибатда судья чекланган маълумотга эга бўлганлиги учун бундай масалалар ҳал этилмасдан қолади ва асосий босқич — умумий суд мажлисига барча иштирокчилар чақирилиб, фуқароларнинг сарсон бўлишига олиб келади. Қонун лойиҳаси бу каби муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир", деди депутат.

— Дастлабки эшитув институти АҚШ, Буюк Британия, Испания, Италия, Германия, Франция, Россия, Беларусь ва бошқа кўплаб хорижий давлатларда жорий этилган бўлиб, бугунги кунда тарафларнинг тортишувчанлик тамойилини амалда рўёбга чиқариш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўз самарасини кўрсатмоқда, — деди Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Шерзод Тўхташев. — Биргина мисол, АҚШ суд амалиётида дастлабки эшитув марказий ўринни эгаллаган бўлиб, жиноят ишларининг 96 фоизи айнан ушбу босқичда ҳал этилади. Қолган 4 фоизи катта жюри (grand jury) судигача етиб боради.

Қўмита аъзоларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жиноят ишини умумий асосларда кўришга монелик қилаётган сабабларни тезкор бартараф этиш имкониятини берувчи қарорлар қабул қилиш жараёнида тарафларнинг тортишуви принципига сўзсиз риоя этилишига, суд муҳокамаси чоғида фақат мақбул далиллардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишга ҳамда жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлашга ва унинг олдида белгиланган вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадбирда қонун лойиҳасига берилган таклифлар қўмита томонидан кўриб чиқиладиган бўлди.

# ЁШЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ТАКЛИФЛАР БЕРДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан ҳамкорликда янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга бағишланган тадбир ўтказди.*

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси қўшни давлатлар, яқин ва узоқ хориждаги диний вазиятни, шунингдек, Ўзбекистон халқининг кўп асрлик тарихи ҳамда маданий-тарихий анъаналарини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, халқаро меъёрлар талаблари, биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг умумий тартибдаги шарҳлари инобатга олинган.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар томонидан мазкур қонун лойиҳасининг аҳамияти, киритилаётган қўшимчалар, енгилликлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий принциплари киритилиши, ҳар бир шахснинг диний таълим муассасаларида профессионал диний таълим олиши, шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан ўз фарзандларига диний амалиёт асослари ва одоб-ахлоқ қоидаларини (уй шароитида диний таълим бериш) ўргатиш ҳуқуқи белгиланаётгани, вояга етмаган болаларни ўз хоҳишига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ихтиёрига зид тарзда диний ташкилотларга жалб қилишга йўл қўйилмаслиги тўлиқ очиб берилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан ҳар бир шахснинг диний таълим муассасаларида профессионал диний таълим олиши, шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан ўз фарзандларига диний амалиёт асослари ва одоб-ахлоқ қоидаларини (уй шароитида диний таълим бериш) ўргатиш ҳуқуқи берилаяпти.

Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилгач фуқаролар, таълим, хусусан, диний таълим муассасалари, турли конфессия вакилларидан, хотин-қизлар ва ёшлардан 500 дан ортиқ таклифлар келиб тушди. Уларнинг аксариятида янги таҳрирдаги қонун лойиҳасидаги ўзгаришлар маъқулланган.

Муҳокамалар жараёнида келиб тушган таклифлар таҳлил қилиниб, жойларда ёшлар томонидан янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунга киритилаётган ўзгартишлар ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтиришлар олиб бориш зарурлиги депутатлар томонидан таъкидланди.

Тадбирда ёшлар қонун лойиҳасининг айрим нормаларига қўшимчалар киритиш бўйича ўз таклифларини билдирди. Булар, ўз навбатида, ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқиладиган бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН ҒОЯТ МУҲИМ ЁНДАШУВ

1

**Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори:**

— Йиғилишда давлатимиз раҳбари ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ечиб беришда тизимли ишларни ташкил этиш масаласини олдимизга қўйди. Бунда нафақат ижтимоий масалаларини ҳал қилиш, балки уларни иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш масаласи турибди.

Ҳар бир ёшнинг истаги ва хоҳишига қараб уларни ўқув курсларига жалб этиш, уни муваффақиятли тамомлаганларга микроқарз ҳамда бошқа имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда эгаллаган касбига қараб ишга жойлаштиришнинг аниқ механизми кўрсатиб берилди. Демак, бу ишларни самарали ташкил этиш асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Аёнки, ҳар қандай инвестиция яқин келажакда ўз натижасини беради. Шу боис биз дадиллик билан инвестиция киритишимиз керак. Бу орқали ҳам ҳудуд иқтисодиётини ривожлантирамиз, ҳам хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаймиз. Бунда Ёшлар ишлари агентлигининг энг асосий вазифаларидан бири, бу — ишсиз ёки бирор бизнес лойиҳани амалга oширолмай юрган ёхуд бошқа муаммолари мавжуд ёшларни "ёшлар дафтари"га киритишдир.

Бу бўйича давлатимиз раҳбари белгилаб берган аниқ критериялар асосида "ёшлар дафтари" шакллантирилади. Ва албатта, секторлар раҳбарлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида ҳар битта ёш билан учрашиб, муаммо ва қизиқишлари билан ўртоқлашиб, масалалари ижобий ҳал этиб борилади.

**Эркинжон ТУРДИМОВ, Самарқанд вилояти ҳокими:**

— Албатта, биз, ҳокимларга ҳам жуда катта вазифалар юкланяпти. Биринчи навбатда, жойларга, яъни пастга тушиб, маҳаллаларда уйма-уй кириб, аёлларимиз ва ёшлар муаммоларига қулоқ тутиб, шу асосда ишсиз бўлса, бандлигини таъминлаш, мотивациялар бериш, уларга касб ўргатиш бўйича барча чорани кўрамиз.

Эндиликда нафақат давлат ташкилотларида, балки нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳам ўқитиш марказларини очиш ва уларга хотин-қизлар ҳамда ёшларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Ушбу марказ битирувчиларининг иш билан таъминланганлик даражасига қараб, уларга қўшимча субсидиялар бериш масалалари ҳам бугунги йиғилишда кўтарилди.

Буларнинг барчаси одамларимизни рози қилиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлади. Биз раҳбарлар мана шундай масъулиятли масалаларга теран кўз билан қараб, муаммоларни ўз жойида ҳал этиш юзасидан тизимли ва шаффоф иш ташкил қилишимиз талаб этилади.

**Зоир МИРЗАЕВ, Қашқадарё вилояти ҳокими:**

— Ҳаммамизга маълум пандемия шароитида жорий қилинган "темир дафтар" тизими аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини тўлиқ қамраб олди ва бу ўзининг ижобий натижаларини берди. Олдимизга қўйилаётган бугунги вазифа, бу, муаммоси мавжуд аёллар қатламини тўлиқ қамраб олиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг аниқ ва манзилли рўйхатини тузган ҳолда уларга иш бериш ҳисобланади.

Бу "темир дафтар"дан мутлақо фарқ қилади. Яъни "ёшлар дафтари" алоҳида, "аёллар дафтари" алоҳида бўлади.

Масалан, вилоятимизда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 386 минг нафарни ташкил қилади. Бироқ 117 мингдан зиёд ёшларнинг қаерда ишлаётганини аниқ билмаймиз. Демак, улар билан ишлашимиз учун ҳам ҳар бир маҳаллада мана шундай дафтар юритилади. Улар билан индивидуал суҳбатлашиб, хоҳиши, муаммосига қараб, саволларга жавоб изланади, ҳар томонлама кўмак берилади.

Ёшларни иш билан таъминлаш учун зарур бўлса, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда кундузги ёки кечки курсларни очиб, уларни касбга тайёрлаймиз. Албатта, йиғилишда таъкидланганидек, бу ишларни амалга оширишда нафақат секторлар раҳбарлари, балки жамоат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликни кучайтирган ҳолда иш юритамиз.

**Авазхон ЭРГАШЕВ, Қўрғонтепа тумани ҳокими:**

— Йиғилишда жуда долзарб масалалар кўтарилдики, бу мамлакатимиз тараққиёти ва келажаги учун ғоят муҳим. Давлатимиз раҳбари "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари"ни юритиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Эртадан бошлаб ҳар бир ҳудудда, жумладан, Қўрғонтепа туманида ҳам ишчи гуруҳлар ҳамда сектор раҳбарлари жойларга чиқиб, хонадонма-хонадон юриб, аёллар ва ёшлар билан алоҳида гаплашиб, уларнинг дардини тинглаб, нимаики масала бўлса, барчасининг ечими бўйича амалга оширишимиз зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб оламиз.

Бу "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари"ни тўлиқ шакллантириб, Президентимиз томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар айтганда, селектор йиғилишида берилган топшириқларни амалга ошириш учун бор куч-ғайратимизни, салоҳиятимизни сафарбар қиламиз.

**«Халқ сўзи».**

## Давра суҳбати

# «YOUNG ADVISORS» — ЯНГИ ПЛАТФОРМА

*Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамкорлигида "Ёшлар парламенти: ҳамкорлик ва тараққиёт сари одимлар" мавзуида онлайн давра суҳбати ўтказилди.*

Таъкидланганидек, Ёшлар парламенти аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги турли йўналишларда фаолият олиб бораётган ташаббускор, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга, кенг дунёқараш ва чуқур билим ҳамда лидерлик салоҳиятига эга 18 дан 30 ёшгача бўлган фуқаролар орасидан гендер тенглик таъминланган ва жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳам жалб қилган ҳолда, жами 100 нафар этиб шакллантирилди.

Мазкур маслаҳат органи томонидан қабул қилинган ҳужжатлар тавсиявий характерга эга ва ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда расмийлаштириш билан Ёшлар парламенти котиби шуғулланмоқда.

Тадбирда жамоат тузилмасининг иш тартибини батафсил ўрганиш ва жойлардаги ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини фаол ифода этишлари учун онлайн мулоқотларни ташкил қилиш масаласи кўриб чиқилди.

— Айни пайтда Ёшлар парламентида Илм-фан, маданият ва туризм масалалари, Спорт, соғлом турмуш, ижтимоий масалалар, Компьютер технологиялари, инновацион ғоялар, стартаплар ва агрокластер масалалари ҳамда Бандлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари комиссиялари фаолият олиб боради, — дейди Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси Моҳистара Муҳаммадюнусова. — Бундан ташқари, Китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва қонунчилик масалалари ҳамда Гендер тенглик масалалари комиссияси ҳам ташкил этилган. Ёшлар парламенти аъзолари қонун лойиҳалари муҳокамаларида қатнашади. Белгиланган мақсад ва вазифалар ҳамда йўналишлардан келиб чиқиб конференция, давра суҳбати ва семинарлар, шунингдек, ҳудудлардаги ёшлар билан учрашувлар ташкил қиляпмиз.

Онлайн давра суҳбатида Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида дунёда барқарор ва узлуксиз тараққиётни таъминлашга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сургани алоҳида таъкидланди. Хусусан, давлатимиз раҳбари мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиши ҳамда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилаётганлигига тўхталиб ўтди. Юртимизда ёшларга бўлаётган эътибор, ғамхўрликдан келиб чиққан ҳолда, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббуси илгари сурилди. Бу, албатта, дунё ёшларини янада жипслаштириш, муносиб шарт-шароитларда яшаш, таълим олиш, интеллектуал қобилиятларини намойиш этиш каби жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти билан Тошкент давлат шарқшунослик университети ўртасида доимий ҳамкорликни ўрнатиш, жумладан, ушбу олий ўқув юрти ҳузурида "Young Advisors" ёшлар парламенти клубини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ёшлар парламенти комиссияларининг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

## Парламент назорати

# РАҚОБАТ ТАЛАБЛАРИ НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

*"Uzbekistan Airways", "Uzbekistan Airports", "Ўзбекистон темир йўллари" ҳамда "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамиятлари бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан саналади.*

*Хўш, улар кўрсатаётган хизматлардан халқимиз қай даражада рози? "Рақобат тўғрисида"ги Қонун талаблари доирасида мазкур корхоналарда қандай иш олиб боriляпти?*

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасига фуқаролар томонидан тушган мурожаатлар асосида айнан шу тармоқларнинг фаолияти батафсил ўрганилди. Таассуфланарли жиҳати, натижалар бизни ва фуқароларимизни ҳурсанд қиладиган даражада эмас.

Масалан, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида рақобатбардошликни оширишга салбий таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжудлиги аниқланди. Энг аввало, ички бозорда рақобатнинг мавжуд эмаслиги боис "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ хизматлар сифатини ошириш ва мослашувчан тариф сиёсатини қўллашдан манфаатдор эмас. Шу билан бирга, тармоқда мижозлар учун ниҳоятда кўп қулайлик яратадиган рақамли маҳсулотларни қўллаш тизими суст ташкил этилган.

Тизимда рақобатни чеклашнинг турли шакли қўллаб келиняпти. Хусусан, жамият фақат 4 та экспедиторлик ташкилоти билан тўғридан-тўғри шартнома тузган. Бошқа экспедиторлар фақат ушбу ташкилотлар орқали фаолият олиб бориши мумкин бўлиб, бу иштирокчиларга товар, молия ва хизматлар бозорларида тенгсизликни келтириб чиқармоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида вокзалларга кириш ҳаддан зиёд тартибга солинган бўлиб, бюрократик тамойиллар кучайтириб юборилган ва натижада уларнинг ўзини ўзи таъминлаши учун мавжуд имкониятлар ҳамда халқаро тажрибалар амалда қўлланилмасдан келинмоқда.

"Uzbekistan Airports" акциядорлик жамияти тизимида ҳам Қонун ижроси суст даражада. Ўтказилган таҳлиллар жараёнида ҳаво транспорти соҳасининг ички ва ташқи бозорда рақобатдошлик ҳолатига салбий таъсир этувчи қатор омиллар аниқланди. Жумладан, "Uzbekistan Airways" АЖ минтақавий ва халқаро даражадаги парвозларни амалга оширувчи ягона жамият бўлгани учун рақобат муҳити мавжуд эмас. Табиийки, ана шундай бир шароитда жамиятнинг фаолият самарадорлигини оширишга интилиш бўлмаслиги турган гап.

Қолаверса, "Uzbekistan Airways" АЖ тизимида юк ташиш йўналишини ривожлантириш қўшимча даромад манбаи сифатида кўриб чиқилиши керак бўлгани ҳолда, бу масала ҳозиргача очиқ қолмоқда. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида юк ташиш 0,03 фоизни ташкил этганлиги ҳам бу борадаги ишлар қониқарли эмаслигини кўрсатади. Ваҳоланки, жаҳон миқёсида мазкур кўрсаткич 35 фоизга етган.

Шунингдек, аэропортлар замонавий ускуналар билан етарли даражада жиҳозланмаганлиги боис самолётларни юқори сифатли қабул қилиш ва техник хизмат кўрсатиш даражаси анча паст. Бу масаланинг бошқа жиҳатига ҳам салбий таъсир кўрсатяпти, яъни аэропортларнинг ҳамкор сифатидаги жозибадорлигини пасайтириб юборган.

Ишчи гуруҳ "Рақобат тўғрисида"ги Қонуннинг "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти томонидан ижро этилишини ҳам батафсил ўрганиб чиқди.

Мазкур акциядорлик жамияти 1994 йилда майдаловчи пўлат шарлар маҳсулоти бўйича ва 2020 йилда лом ҳамда қора металлар чиқиндиларини (харид қилиш) тайёрлаш хизмати бўйича товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июлдаги "Ўзметкомбинат" АЖни бошқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, "Ўзметкомбинат" АЖ республика ҳудудида қора металл парчалари ва чиқиндиларни тайёрлаш (харид қилиш) бўйича ягона ваколатли орган ҳисобланади ҳамда республика ҳудудида йиғилган металлолом фақат ушбу комбинатга топширилади.

Аслида ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш бозорида импорт қилинган металл парчалари ва бошқа металл маҳсулотларидан фойдаланиб фаолият олиб бораётган 1,2 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд.

Металл парчаларини қабул қилиш ҳам фақатгина "Ўзметкомбинат" АЖ тизимидаги "Иккиламчиқораметаллар" бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Қора металл парчалари ва чиқиндилари харид қиймати паст бўлгани боис тадбиркорлар ҳамда аҳоли уларни "Ўзметкомбинат" АЖ таклиф этаётган нархларда топширишдан манфаатдор эмас.

Қолаверса, Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг қарори билан шу йилнинг 1 июнидан йил охиригача "Ўзметкомбинат" АЖда ишлаб чиқариладиган товарларнинг муқобили (аналоги)ни республикага импорт қилишнинг тақиқланиши ҳам рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг оқибатида қурилишда ишлатиладиган металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни тўхтатиши ва натижада иш ўринлари йўқотилиши мумкин.

"Ўзметкомбинат" АЖда мавжуд имтиёз ва преференциялар бозорнинг бошқа иштирокчилари учун тенг бўлмаган шароит яратмоқда. Шунингдек, унда катта миқдордаги соҳага тааллуқли бўлмаган активларнинг мавжудлиги молиявий маблағлар ҳамда вақт ресурсларининг нотўғри йўналтирилишига олиб келмоқда.

Яқинда қўмитамиз томонидан Монополияга қарши курашиш қўмитасида ташкил этилган видеоконференцалоқа тарзидаги сайёр мажлисда ана шу масалалар атрофлича таҳлил қилинди. Улар экспертлар томонидан соҳанинг етакчи мутахассислари иштирокида батафсил муҳокама этилди. Якунда бу бўйича қўмитамизнинг тегишли қарори қабул қилиниб, белгиланган чораларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан парламент назорати ўрнатилди.

Ўйлаймизки, мазкур масалаларнинг ижобий ҳал этилиши фуқароларга қулайлик яратиши билан бирга, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Шундай экан, биз, сенаторлардан ҳам бу масалаларга ечим топишда соҳа мутасаддиларига камарбаста бўлиш талаб этилади.

**Санобар СУЯРОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## АКАДЕМИК ТУРСУНБОЙ РАШИДОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги соҳасидаги атоқли олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Турсунбой Рашидов 2020 йил 7 октябрда 86 ёшида вафот этди.

Т. Рашидов 1934 йил 27 майда Тошкент шаҳрида туғилди. 1956 йили Ўрта Осиё давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тугатиб, ушбу илмий даргоҳ аспирантурасида таҳсил олди. 1964 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1984 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 65 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академиясининг М. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти лаборатория мудири, директори, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори, Фанлар академиясининг ҳайъат аъзоси, бош илмий котиби, академик-котиби, вице-президенти ва бошқа лавозимларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз илм-фани ривожига, юқори малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Т. Рашидов Ўзбекистонда мураккаб тармоқли ер ости иншоотларининг сейсмодинамик назарияси асосчиси бўлиб, республикамизда сейсмик мустаҳкамлик бўйича ўз илмий мактабини яратди. Заҳматкаш олим механика соҳасида фундаментал илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини халқ хўжалиги тармоқларига татбиқ этишга бевосита раҳбарлик қилди. Айниқса, унинг раҳбарлигида сейсмик ҳудудларда ер ости иншоотлари учун қурилиш меъёрлари ва қоидалари ишлаб чиқилиб, шу асосда Тошкент шаҳри метрополитенининг янги сейсмик мустаҳкам конструкциялари яратилгани ушбу соҳа ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Академик Т. Рашидовнинг ўзи фаолият кўрсатган фан соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган ўнлаб монографиялари, юзлаб илмий мақолалари, кўплаб ихтиролари юртимиз ва хориждаги олимлар ўртасида яхши маълум.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган таниқли олимнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Академик Т. Рашидовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти совриндори, “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони, “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Турсунбой Рашидовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ**

# ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

## ВАТАН ҲИМОЯСИ, ЭРКУ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШИБ ЯШАШНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ




*Мамлакатимизда буюк алломалар, азиз-авлиёларнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Табаррук қадамжоларнинг тикланаётгани, ноёб маданий бойликларимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишга кенг шарт-шароитлар ҳозирланаётгани, улуғ аждодларимизнинг юбилей тантаналари ўтказилаётгани, улар ҳақида илмий ҳамда бадиий асарлар яратилаётгани халқимизнинг миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш билан бирга, дунёда Ватанимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.*

### Санъат

Президентимиз 2017 йил 3 август куни юртимизнинг ижодкор зиёлилари билан учрашувда агар аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни, биринчи навбатда, кино санъати орқали амалга оширишимиз кераклигини таъкидлади. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкинлиги қайд қилинди.

Йиғилишда илгари сурилган ғоялар, берилган топшириқ ва вазифалар асносида каминада Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори, моҳир саркарда Жалолиддин Мангуберди сиймосини катта экранларга олиб чиқиш фикри уйғонган эди. Зеро, ушбу буюк шахснинг умр мазмуни, ҳаётий аъмоли, қарашлари, бажарган ишлари ҳар биримиз учун ибратдир.

Ҳар бир халқнинг бахти нимада? Шубҳасиз, унинг эркинлигида, озодлигида. Агар у фаровон ҳаёт кечирсаю лекин тақдирини бошқалар ҳал қилиб турса, бу халқ “Бахтлиман!” деб баралла айта олмайди. Шу маънода, бошимизда порлаб турган истиқлол қуёшининг қадр-қимматини ёшлар онгига сингдириш, ўзликни чуқур англатиш, миллий ғурурни юксалтириш ғоявий хуружлар мустамлакачиликнинг замонавий кўринишига айланган бугунги олағовур замонда ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Бу борада тарихимизнинг ажралмас қисми бўлган Жалолиддин Мангуберди сиймоси ўта таъсирчан, шонли ва ишончлидир. Шундан келиб чиқиб, “Мендирман Жалолиддин” сериалини суратга олишга қарор қилдик.

Тўғрисини айтиш керак: улуғ саркарда ҳақида “Мендирман” қўшиғини айтмагунимча Жалолиддин Мангуберди ҳақида деярли ҳеч нарса билмасдим. Ва бунга ўзимни айбдор деб ҳисобламайман. Чунки қаерда таълим олишимиздан қатъи назар, бизнинг авлодга бу улуғ инсон ҳақида маълумот берилмаган. Жумладан, мен тенги ва биздан ёши катта кишиларда ҳам ушбу буюк аждодимиз ҳақида деярли фикр-тушунча йўқ. Бинобарин, элимизнинг ёвқур ўғлони — халқ қаҳрамонини билиш, уни англаш қалбларга ҳуррият эпкинларини олиб кириши, инсонларда мустамлакачиликка, зулм ва истибдодга қарши кураш туйғуларини жунбишга келтириши мумкин эди-да.

Аслини айтганда, сохта мафкура таъсирида улғайган тафаккурларнинг барчаси истиқлолга эришилган бугунги замонда ҳам ёт ғоялар қусурларидан тўла тозаланди, дея оламизми? Ҳозирги кунда ҳам ўтган мустабид даврни қўмсовчи одамлар орамизда топилмайдими? Таассуфки, бу саволларнинг жавобларидан кўнглимиз тўқ эмас.

Бугунги кунда юртдошларимизда миллий ғурурни уйғотиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳур ва озод яшашнинг қадру аҳамиятини чуқур англаш, ватанпарварликни кучайтириш ғоятда муҳим. Ушбу фазилатлар айнан Жалолиддин Мангуберди сиймосида уфуриб турибди. Улуғ саркарда Ватан ҳимояси, эрку озодлиги учун курашиб яшашнинг ёрқин тимсолидир.

Халқимизнинг ушбу мард ўғлони Чингизхонга илк бор 19-20 ёшларида рўбарў келган. 32-33 ёшида вафот этган бўлса, демак, у ҳаётининг 11-12 йили мобайнида 48 та жанг кўрган. Чингизхон ўз юришларида биринчи бор Жалолиддиндан енгила бошлаган. Жумладан, тўрт муҳорабада саркарда томонидан мўғул қўшинига қақшатқич зарба берилган. Ўша даврда Чингизхон аллақачон бутун Ер юзида афсонага айланган эди. Айниқса, мусулмон халқларда ушбу ёғийга қарши туриб бўлмайди, улар яъжуж-маъжужлар, деган тушунча пайдо бўла бошлаганди. Жалолиддин Мангуберди мана шу қарашни пароканда этди. Чингизхонга қарши курашиш, уни мағлуб этиш мумкинлигини исботлади. Қалбларда эртанги кунга умид гулханини ёқди. Халқлар ўртасида ғайрат-шижоатни уйғотди. Бу ниҳоятда улуғ жасорат, жуда катта қаҳрамонлик эди.

Энг муҳим жиҳат шуки, Жалолиддин Мангубердининг бошига не бир мусибат тушмасин фақат ва фақат Ватан деди, унинг истиқлолини, истиқболини ўйлади. У Хоразмшоҳлар султони сифатида бошқа ҳукмдорлардан паноҳ сўраши, ўз жонини хатарга қўймасдан бирор саройда яшаб ўтиши ҳам мумкин эди. Бироқ у бундай қилмади, эътиқодига, буюк қалби амрига қарши бормади, эзгу мақсади учун курашди: бутун Ер юзини титратиб турган Чингизхоннинг кўзига тик боқди, босқинчи душман устига от сурди. Қон ютди, қон тўкди, жон олди, жон берди.

Жалолиддин Мангуберди сиймосига бугун бутун турк дунёси катта эҳтиром билан қарайди. Бу эса сериални туркиялик киноижодкорлар билан ҳамкорликда суратга олишда муҳим аҳамият касб этди. Аввал асарни ўзимиз тасвирга олмоқчи бўлдик. Аммо бугунги томошабинни қониқтира оладиган даражадаги фильмни тасвирга олиш учун техник имкониятларимиз етарли эмас экан. Бу эса бизни изланишга, киносаноати ривожланган давлатлардан ҳамкорлар топишга ундади. Бугун қайси халқларнинг кино санъати оғир тош босмоқда? Жаҳон медиа бозорида айнан тарихий фильмлар ишлаётган қайси кинокомпанияларнинг маҳсулотлари харидоргир? Ушбу масалаларни атрофлича ўргандик. Натижада Туркиянинг “Бўздағ фильм” компанияси билан ҳамкорликка келишилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, оқилона ташқи сиёсати боис бугун Туркия билан ҳамкорлигимиз барча жабҳада, хусусан, санъат ва маданият соҳасида ҳам мутлақо янги босқичда изчил ривожланиб бормоқда. Халқимиз учун катта маънавий воқеликка айланиши кутилаётган “Мендирман Жалолиддин” сериалини суратга олишда ушбу давлат ижодкорлари билан ҳамкорлик қилингани бу борадаги ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди, деб ўйлайман.

Айтиш керакки, “Бўздағ фильм” компанияси томонидан суратга олинган тарихий фильмлар бутун дунёда севиб томоша қилинади. Шу сабаб ушбу компания томонидан ишланган картиналарга жаҳон кинобозорида талаб жуда юқори. Масалан, “Бўздағ фильм”нинг “Курилуш Осмон” картинаси ҳали тасвирга олинмасидан аввал 80 та давлатга сотиб бўлинган. Дунёга машҳур ушбу компания билан ҳамкорлигимиз ўзбек киносининг жаҳонга чиқишига ҳам катта бир йўлак очиб беради, деган умиддамиз.

Бирга ишлаш жараёнида туркларнинг, хусусан, “Бўздағ фильм” компанияси бош продюсери Меҳмет Бўздағнинг Ўзбекистон тарихига ниҳоятда юксак ҳурмат билан қараши эътиборимни тортди. Турклар Ватанимиз ҳудудини “отатурк”, яъни ота-боболари замини деб атайди. Тарихимизни, аждодларимиз ҳаётини, шажарасини, қилган ишларини жуда яхши билади. Шу боис фильмни суратга олиш мобайнида катта қийинчиликлар юзага келмади. Тўғри, актёрларга кийим танлашда, Хоразмшоҳларнинг баъзи урф-одат ва анъаналарини намоён этишда айрим тортишувлар, баҳслар бўлди. Уларнинг ҳам фикрини эшитдик, асослаб берган таклифларини қабул қилдик. Энг муҳими, асарнинг бош ғояси, тарихий жараёнлар, улуғ бобомизнинг қилган ишлари, фазилатлари бор ҳолича намоён бўлди.

Баъзи интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда Жалолиддин Мангуберди образини турк актёри ижро этганлиги турлича талқин қилинмоқда. Шу ўринда бир жиҳатни инобатга олмоқ жоиз: Хоразмшоҳлар султонини нафақат ўзбеклар, балки Туркия, Эрон, Покистон, Озарбайжон, Кавказ халқлари ҳам ўз миллий қаҳрамони сифатида билади. Ҳатто Меҳмет Бўздағга Покистон кино ижодкорлари ҳамкорликда Жалолиддин Мангуберди ҳақида фильм суратга олиш таклифи билан ҳам чиқишган. Лекин Ўзбекистон билан ушбу лойиҳа бошланганини эшитишгач, улар хурсанд бўлиб, “ким қўл уришидан қатъи назар, улуғ саркарда ҳақида фильм тасвирга олинишини хоҳлаган эдик, сизлар бошлабсизлар, бундан жуда мамнунмиз”, дейишибди. Ушбу фикрлар ўртага чиққанидан сўнг, бош қаҳрамон образини нейтрал ҳолатга олиб келиш таклифини қабул қилдик. Бу кенг кўламли аудитория эътиборини қозонишда, жаҳон кинобозорига чиқишда, тарихимиз, миллий тимсолларимиз тарғиботида, яъни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан катта самара беради, деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда ҳам фильмни суратга олиш жараёнлари давом этмоқда. Туркиядаги 30 гектар майдонда барпо қилинган “Бўздағ фильм” платосида юртимизнинг XIII асрга оид муҳити жонлантирилган. Бу ерда баландлиги 5,5 метр бўлган икки қаватли Хоразмшоҳ саройи қурилган. Истанбулдан 750 километр масофадаги Оқсарой музофотида саҳро жанг саҳналари суратга олиняпти. Биз ушбу жараёнда кўплаб қийинчиликларни енгиб ўта олдик. Ҳозирча сериалнинг биринчи фасли 13 қисмдан иборат бўлади. Ушбу ижодий лойиҳани давом эттиришдан кўнглимиз тўқ. Сериални 13 та қисм билан якунламасдан, буюк аждодимизнинг бутун ҳаётини, унинг умри охиригача қилган эзгу ишларини, мардлиги ва жасоратини кинотасмаларга муҳрлаш ниятимиз бор.

Яқинда “Tashkent City”даги Конгресс-ҳоллда “Мендирман Жалолиддин” сериалининг тақдимот маросими ўтказилди. Тадбир иштирокчиларига сериалнинг биринчи қисми намойиш этилди. Томошабинларнинг юзидаги қувонч ва ҳаяжондан, билдирилган ижобий фикрлардан англадикки, картина уларга манзур бўлди.

Албатта, бу кунларга етиб келишнинг ўзи бўлмади. Пандемия шароити ижодий ишларимизнинг бир оз кечикишига сабаб бўлди. Лекин ҳамкорларимиз, ҳомийларимиз, қолаверса, ўзбек — турк ижодкорлари орасидан саралаб олинган истеъдодли актёр ва актрисаларимизнинг ғайрат-шижоати, сабр-тоқати, матонати туфайли ҳаракатларимиз ўз натижасини берди. Шунингдек, Миллий мас-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ҳомий “Orient Finans Bank” раҳбарияти ҳам бизга яқиндан кўмаклашганини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Фильмнинг премьераси келаётган янги йилнинг бошларида телетомошабинларга тақдим этилиши режалаштирилмоқда. Юртдошларимиз ушбу асарда юрагимизнинг бир парчаси борлигини ҳис этиши ва қалбларида буюк ўтмишимиз, ота-боболаримизга нисбатан улуғ бир меҳр-муҳаббат уйғонишидан умидвормиз.

**Озодбек НАЗАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси маданият вазири,**
**«Мендирман Жалолиддин» лойиҳаси раҳбари.**

# СУВ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ

## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚИТИЛМОҚДА

*Президентимиз 2020 йилнинг 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш учун Нукус шаҳрига ташрифи доирасида ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш баробарида, сув хўжалиги масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, ер ва сувнинг аниқ ҳисобини юритиш, бунга ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда Сув хўжалиги вазирлигининг кейинги уч йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилмоқда.*

### Ўқув курси



Мазкур дастурга кўра, сувнинг ҳисоб-китобини онлайн режимда юритиш ва уни бошқаришни автоматлаштиришга киришилмоқда. 2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги 1302 та сув хўжалиги иншоотида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ҳамда унинг ҳисобини юритиш учун “Smart Water” (“Ақлли сув”) қурилмаларини ўрнатиш, 12 та йирик гидротехник иншоот бошқарувини автоматлаштириш, 273 та насос станциясида электр энергияси сарфини онлайн мониторинг қилиш тизимини жорий этиш ҳамда 364 дона мелиоратив кузатув қудуғида сизот сувлари сатҳи кўрсаткичларини онлайн назорат қилиш имконини берувчи “Diver” қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилган.

Гидротехник иншоотларга рақамли технологиялар асосида замонавий қурилмалар ўрнатилгач, ҳудудлардаги сув хўжалиги ходимлари ҳам мазкур тизимни билиши, янги технологиялардан самарали фойдалана олиши зарур, албатта.

Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган ўқув курслари айнан ҳудудлардаги сув хўжалиги ходимларининг малакасини оширишга қаратилган.

Нукус шаҳридаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида сув хўжалиги мутахассислари учун сув ресурсларини бошқариш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича малака ошириш ўқув курслари давом этмоқда. Унда Қорақалпоғистон Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг 200 нафар тингловчиси сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш ва илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси билан танишмоқда.

Малака ошириш курси бугун ҳам давом этади. Ўқув якунида тингловчиларга махсус сертификатлар топшириш назарда тутилган.

**F. ОТАЖОНОВ.**

# ТАЪЛИМ СОҲАСИ ТУБДАН ЯНГИЛАНАДИ

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратаётган бўлса, давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида учинчи Ренессанс пойдеворининг аниқ моделини асослаб берди. Тарбиячи, ўқитувчи, зиёлиларимиз ҳамда ота-оналар янги Уйғониш даврининг таянч устуни бўлиши кераклиги таъкидланди.*

### Нуқтаи назар

Учинчи Ренессанс ғоясидан кўзланаётган энг катта мақсад тарихан мавжуд буюк салоҳиятни қайта уйғотишдир. Юртбошимиз халқимизни руҳлантириш учун янги, аниқ ва етук ғояни илгари сурмоқда. Мазкур ғоя халқимизни янада жипслаштиради.

Таълим тизимини замон талабларига мослаштириш масаласи босқичма-босқич ислоҳотлар марказига қўйилмоқда. Хусусан, 2018 йилда қабул қилинган умумий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш ҳақидаги Президент Фармони билан йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш чоралари белгиланди.

Натижада касб-ҳунар коллежлари аҳоли яшаш жойларига яқин бўлмаган масофада жойлашгани, транспорт, давомат, ҳаётий фикри шаклланиб улгурмаган ёшларнинг оила муҳитидан узоқлашиши, ўқув устахоналари, касб-ҳунар таълими тизими учун дарслик ва ўқув қўлланмаларининг етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларга барҳам бериш учун 11 йиллик таълим тизими тикланди. Алоҳида таъкидлаш керакки, ота-оналар, ўқувчилар, жамоатчилик қўллаган бу ташаббус қатъият ҳамда изчил саъй-ҳаракатлар билан қисқа муддатда рўёбга чиқарилди. Одатда мамлакат миқёсидаги катта соҳада туб ўзгариш бўлганда, жиддий муаммолар кузатилади, аммо 11 йиллик таълимни тиклаш жараёнлари бугунги натижалардан келиб чиқиб айтиш лозимки, муваффақиятли амалга оширилди.

Нутқда белгиланган вазифалар йўлга қўйилган соҳани эндиликда бутунлай янги даражага кўтаришга хизмат қилади. Чунки давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг қайсиси қандай вазифани бажариши кераклиги аниқ кўрсатиб ўтилди. Хусусан, ўқитувчиларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ҳамда мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақомини қонун даражасида белгилаш таклиф этилди, айни вақтда бўлажак қонуннинг концепцияси ҳам баён қилинди.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани, уларнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашув, бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлишини қатъий белгилаш лозимлиги таъкидланди. Қонунда, шунингдек, мактаб директорига қўйиладиган талаблар, унинг асосий вазифалари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда маҳаллий Кенгашлар йиғилишларида ҳисобот бериш тартибини белгилаш зарурлиги айтилди.

Бу вазифаларни амалга ошириш парламент зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки вакиллик ҳокимиятига таълим жараёнларини сифатли ташкиллаштириш, назорат қилиш билан боғлиқ қўшимча ваколатлар берилиши, мазкур масалада мутлақо янги институтга асос солиниши назарда тутиляпти. Ушбу институт қонунчиликда аниқ акс этиши, энг асосийси, ундан ҳаётий натижалар сезилиши керак.

Мактаб директорларининг маҳаллий Кенгаш олдида ҳисобдор бўлишини қонунан мустаҳкамлашдан аввал маҳаллий давлат ҳокимияти, вазирлик-идоралар ҳудудий бўлинмаларининг амалдаги ҳисоб бериш амалиёти қандай самара бераётгани чуқур таҳлил қилиниши керак. Бинобарин, зудлик билан янгилик жорий этиш ҳақида эмас, янгиликлардан тезроқ реал самара бўлиши учун ҳаракат қилиш талаб этилади.

Камбағаллик, қолаверса, боқимандалик кайфиятига қарши курашишнинг, ижтимоий ҳимоя тизимини модернизация қилишнинг узоқ истиқболда энг самара берадиган йўли бугун таълим тизимига, инсон капиталига эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади. Зеро, эҳтиёжманд, камбағал оиладаги муҳитни уларнинг фарзандларига сифатли таълим-тарбия бериш орқали тубдан ўзгартириш мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси барчага тенг, хусусан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам даромадли аҳоли қатламлари учун таълим олиш, ҳунар эгаллаб, ишли бўлиш имкониятлари яратилишини зарур, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимиздаги 10 мингга яқин мактабларда таълим-тарбия жараёнлари қандай кечаётганини битта вазирлик мувофиқлаштириб, қуйига етиб бориши қийин масала. Таълим тизимига нисбатан танқидий муносабатлар оз эмас, аммо фақат танқид билан ҳам таълимни юксалтириб бўлмайди. Аксинча, мутасадди вазирликлар билан бирга, ҳокимликлар, депутатлар, кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида соҳада рағбат ва қўллаб-қувватлаш муҳитини юзага келтириш зарур. Президентимиз таклиф этган янги механизм мана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади инсон капиталини тараққий эттиришдир. Ушбу ҳужжатда 2030 йилга бориб Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингида жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига киритиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Ҳозирги тез ўзгариб, тез ривожланаётган дунёда замонавий билим ва кўникмаларга эга ёш авлодгина муносиб ўрнини топа олади. Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёшлар 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Бу мамлакатимизда инсон капиталига инвестиция йўналтириш зарурати жуда катта хажмда бўлиши кераклигини англатади.

Маълумки, инсон капитали қобилият, малака ва мақсадлар жамламаси бўлиб, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи, давлат бошқаруви, қонунчилик ҳамда ижро органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи омил бўлиб ҳисобланади. Шу боис халқаро экспертлар ривожланаётган давлатларни инсон капиталига жиддий эътибор бериб, кўпроқ маблағ ажратишга чорлаб келмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда таълим тизимига йўналтирилган маблағлар ошди, қонунчилик ва бошқа маъмурий ислоҳотлар жадаллашди. Маблағлар бундан кейин янада кўпроқ ажратилиши ташаббуси илгари сурилмоқда. Фақат бунинг учун таълим тизимининг қайси бўғинини қандай ривожлантириш масаласида чуқур таҳлиллар олиб борилиши лозим.

Мамлакатимизда ижтимоий тенгликни таъминлаш, ҳудудлардаги ёшларни салоҳияти ва қобилиятини юзага чиқариш долзарб аҳамиятга эга масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Таълим бериш, касб-ҳунар ўргатиш ишлари ўзаро уйғун равишда самарали олиб борилиши ишсизликни камайтириш, ўзини ўзи банд қилиш имкониятларини ошириш, камбағалликка қарши курашишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу партиямиз учун принципиал масаладир.

Шунинг учун Халқ демократик партияси барча даражадаги депутатларининг куч ва имкониятларини таълим тизимидаги туб ўзгаришларни рўёбга чиқариш жараёнида фаол қатнашишга сафарбар этади.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**
**ЎзХДП фракцияси раҳбари.**

# МАТБУОТ ХУДДИ ДАРСЛИК КАБИДИР

1

Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир мақола янги қурилаётган бир иморатдай гап. Аввал унинг лойиҳаси, яъни режасини тузиб олиш керак. Шу маънода, мақоланинг ҳам кириши, асосий қисми, хулосаси бўлиши лозим. Бу эса жуда катта мантиқ ва алгоритм, яъни қатъий кетма-кетлик асосидаги тартиб-интизомни тақозо этади.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, матбуотдаги материалда масъулият бўлади, жавобгарлик бўлади. Мазкур фаолият замирида холислик, тизимлилик, изчиллик, илмий ва амалий жиҳатдан асосланганлик мавжуд. Шошмашошарлик билан материал эълон қилиб, ёлғон факт кетиб қолса, уни тезда ўзгартириш ёки ўчириб ташлаш имкони бўлмайди. Шунинг учун ҳам газетага материал тайёрлашда кўпроқ манбаларга таянилади, зотан, журналистика соҳаси ўз устида доимий изланиб, тинимсиз ишлашни, кўп ўқиб, ўрганишни талаб этади. Айни пайтда бу, ўқувчи учун ҳам кони фойда. Энг муҳими, матбуот нашрларини асраб қўйиш ва унга ҳар доим қайтиш мумкин. Зарур бўлганда, яна бошдан мулоҳаза қилиш, муҳим жойларини белгилаб, ўқиганлардан дарс жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Қолаверса, яқинда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ўқув-тарбия жараёнларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогика ва ахборот технологиялари, босма нашрлар ютуқларини амалда уйғун қўллашни тақозо этади.

Президентимиз бугунги кунда босма нашрларни таълим муассасаларига, ўқитувчи-профессорларга етказиб бериш ҳам жиддий муаммога айланганини, чунки бу борада матбуот тарқатиш ва почта тизимининг фаолияти мутлақо талабга жавоб бермаслиги ҳолатига ҳам танқидий баҳо берди. Бу, албатта, матбуотни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолат, яъни газеталарни ўқувчиларга етказиб бериш тизимини ислоҳ қилиш кечиктириб бўлмас масалалардан деганидир. Чунки чоп этилаётган матбуот нашрлари истеъмолчига ўз вақтида етиб бормаслиги натижасида, мақолаларнинг долзарблиги, вақт нуқтаи назаридан қиймати камаймоқда.

Айни кунларда юртимизда босма нашрлар, газета ва журналларга обуна бошланди. Янги йилнинг илк куниданоқ ишончли ҳамда қизиқарли янгиликлар билан танишиш, уларни ёшларимизга етказиш учун ҳам обуна жараёнларига мажбурий эмас, ихтиёрий равишда ёндашишимиз даркор. Зеро, матбуот — ҳаёт кўзгуси. Яъни у воқеалар жараёнини авлодлардан авлодларга етказувчи манба. Матбуотни ўқиш одамни китобга йўналтиради, бу эса теран фикрлашга, кенг дунёқараш эгаси бўлишга йўл очади.

**Дилбар МАМАЖОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



## Таълим истиқболлари

*Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари барча жабҳада олиб борилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, чунки бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас, деди.*

*Дарҳақиқат, айни пайтда дунё миқёсида Ўзбекистон тўғрисида гап кетганда “Янги Ўзбекистон”, “Янгиланаётган Ўзбекистон” иборалари интернет саҳифалари, матбуот, хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳам тез-тез такрорланяпти. Бу ҳам бежиз эмас, албатта.*

*Президентимиз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ юртимиз учун энг катта муаммо, бу — бугунги замон талабларига мос кадрлар етишмаслиги, барча соҳада инновацион ва креатив фикрлайдиган, илғор ахборот технологиялари соҳасини ўзлаштирган, математика, нанотехнология, стартап ва дастурларга қизиқувчи мутахассисларга эҳтиёж жуда юқори эканлигини таъкидлаб келади.*

*Давлатимиз раҳбари айтганидек, юртимизнинг эртанги кунига ишончни мустаҳкамлаш, аждодларга муносиб бўлиш учун ислоҳотларни тарбия ва илмдан бошлаш керак. Чунки илмсиз ҳеч бир соҳада ютуқларга эришиб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг ўртасида очиқ-ойдин фарқ бўлиб, билимли ҳамда илми комил инсон шахсиятини барпо қилишда инсоннинг руҳий, ақлий ва жисмоний тарафларини ҳам шакллантириш зарур.*

# ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

### Маърифий жараённи ташкил этиш ва сифатини ошириш

Кейинги тўрт йилда “Янги Ўзбекистон” шароитида муаммоларни самарали ҳал этиш, юртимизда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай ишларнинг амалий натижаси сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 июлдаги “Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорини айтиб ўтиш жоиз.

Филиал дастлабки йили ўз иш фаолиятини амалий математика факультетида Амалий математика ва информатика, Психология кафедралари таркиби билан бошлаб, 21 нафар профессор-ўқитувчи 225 нафар талабага таълим бериб келмоқда. 2019 йилда филиал билан Қозон федерал университети ҳамкорлигида қўшма таълим дастурларига мувофиқ битта таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналарнинг талаблари асосида эса яна 5 та янги таълим йўналиши очилди.

2019/2020 ўқув йили бўйича ўқув режалар ва йўналишлар кесимида мавжуд 25 та фаннинг барчаси намунавий фан дастури билан таъминланди ҳамда мутахассисликлар учун Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган ва тасдиқдан ўтган ўқув режа асосида ўқув юкламаси ҳамда штат жадваллари шакллантирилган. Филиални янада ривожлантириш ва 2-босқич талабалари бўлганлиги учун тузилмага ўзгартириш киритилиб, 2020/2021 ўқув йили 2 та факультет (психология, амалий математика) ҳамда 4 та кафедра (Амалий математика ва информатика, Психология ва гуманитар фанлар, Табиий фанлар ва иқтисодиёт, Ўзбек тили ва адабиёти) билан фаолият давом эттирилмоқда.

Профессор-ўқитувчилар сафига 28 нафар ёш жалб этилди, шундан бир нафари хорижда таълим олган. Профессор-ўқитувчиларнинг 3 нафарини хорижда малакасини ошириш, 2 нафарини стажировкага юбориш, 2 нафарини хорижий докторантурада ўқишга юбориш режалаштирилган. Шунингдек, вилоятдаги IT соҳасидаги малакали мутахассислардан 2 нафари дарс жараёнларига жалб этилган.

### Илмий тадқиқот ва натижалар

Айни вақтда филиалнинг 2 нафар профессор-ўқитувчиси умумий маблағи 1 миллиард 500 миллион сўм бўлган ҳамкорликдаги амалий лойиҳада ижрочи сифатида иштирок этиб келмоқда (2019 йилда молиялаштириш 186 миллион сўмни ташкил қилган).

Филиалда 3 та ихтисослик бўйича стажёр-тадқиқотчилик ва докторантура очилди. Шунингдек, 2 та монография нашр этилди, 2 та дастурий маҳсулотга муаллифлик гувоҳномалари олинди.

Филиал иккита хорижий университет билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қозон федерал университети билан қўшма таълим дастури доирасида ўқув режа ва ўқув дастурлари бўйича хамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Россия Федерациясининг Коррекцион педагогика илмий-текшириш институти билан психологиянинг илмий вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш борасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Британия Кенгаши ҳомийлигида “Change academy programme” лойиҳаси “Higher education for employibility” (Иш билан таъминлашда олий таълимнинг аҳамияти) дастурида филиалнинг 6 нафар профессор-ўқитувчиси ва 2 нафар талабаси иштирок этмоқда.

Жаҳон банки ҳомийлигида касбга йўналтириш маркази ва қўшма ўқув лабораториясини яратиш лойиҳасида филиалнинг 1 нафар профессор-ўқитувчиси ва 2 нафар талабаси қатнашаётир.

Филиалда таҳсил олаётган талабалар дарсдан ташқари ташкил этилган “Иқтидорлилар” гуруҳида махсус дарсларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий қилиш юзасидан ишлар олиб бормоқда. Шулардан бири бўлган амалий математика факультети 2-босқич талабаси Дилмурод Раҳматов фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириш билан бир қаторда, ахборот технологиялари, рақамли иқтисодиёт, сунъий тафаккур ва нейротармоқ соҳаларида илмий тадқиқот олиб бораётир.



У 15 дан ортиқ мақола ва тезислари билан Россия, Қозоғистон, Буюк Британия, Ҳиндистон ва Индонезия давлатларида ўтказилган конференцияларда иштирок этиб, кўплаб сертификатларни қўлга киритган. Ушбу талабамиз 2019 йил 18 июль куни Японияда ўтказилган “World Mathematics Invitational Final Round” онлайн олимпиадасида 3-ўринни қўлга киритган бўлса, жорий йилда Қозоғистоннинг Нур-Султон шаҳрида ўтказилган “Лучший студент СНГ — 2020” танловида ғолибликни қўлга киритди ва “Йил талабаси” медали билан тақдирланди.

### Барчаси талабалар учун

Филиалимиз талабалари учун янги ўқув йилида замон талабларига жавоб берадиган инновацион хусусиятга эга 530 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси қурилиши якунига етмоқда. Бино иккита, ҳар бири 25 ўринга мўлжалланган замонавий типда жиҳозланаётган компьютер синфи, иккита лаборатория хонаси, учта, ҳар бири 72 ўринга мўлжалланган маъруза хонаси ва саккизта, ҳар бири 30 ўринга мўлжалланган амалий дарс хонаси ҳамда кўркам кутубхона ва фаоллар залини ўз ичига олган. Реконструкция қилинаётган ушбу ўқув биносини моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича тасдиқланган смета ҳужжатларига асосан, компьютер техникаси ва мебель жиҳозлари, ўқув аудиториялар учун парта, доска, стол-стуллар ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминлаш ишлари якунланмоқда.



Филиал 2020/2021 ўқув йилини анъанавий усулда бошлаши учун янги 4 қаватли 530 ўринга мўлжалланган ўқув биноси янгидан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Бино маъмурият, амалий математика факультети, Амалий математика ва информатика, Табиий фанлар ва иқтисодиёт кафедраларини, кутубхона, фаоллар зали ҳамда ўқув хоналарини ўз ичига олади. Шунингдек, 2 қаватли 300 ўринга мўлжалланган ўқув биносини филиал ва ҳомийлар маблағлари эвазига жорий таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

### Инсон капитали, стартаплар, креативлик, дастурлаш ва инновациялар

Бугунги глобаллашув даврида инновация ҳар қандай давлатнинг энг муҳим стратегик ресурсларидан бири ҳисобланади. Мамлакатни ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалар, саноат, ишлаб чиқариш, нано ва микротехнологияларни муваффақиятли ривожлантириш, ахборот технологияларини жорий этиш, инновация ҳамда инвестициялар инфратузилмаларини ривожлантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, логистика, кластер, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар — буларнинг барчаси илм-фан билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони юртимизни бундан кейин инновацион ривожлантириш йўли ва рақамли иқтисодиётга асосланган дунёга қадам қўйишини кўзда тутади. Ёшларни бу соҳага қизиқтириш ҳамда уларга дунё ёшларидан кам бўлмаган даражада таълим-тарбия бериш, ўргатиш ишлари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ошириб, инновацион жиҳатдан тараққий этишини таъминлайди.

Дунёдаги ривожланган ҳеч бир давлат инсон капиталини юксалтирмасдан туриб, инновацион тараққиётга эришмаган ва эришолмайди ҳам. Инсон капиталига инвестиция киритган, ёшлар келажагига бефарқ бўлмаган, рақобатбардошлик ва ахборот технологиялари сир-синоатларини ўргатишни ўз олдига мақсад қилган давлат иқтисодий жиҳатдан истеъдодлиларни тарбиялаши мумкин.

Шу йилнинг 17-18 июнь кунлари “Ёшлар ойлиги” доирасида 14 — 30 ёшлилар ўртасида ўтказилган “Ёш дастурчилар” I-Жиззах шаҳар форумида филиалнинг икки нафар талабаси “Мобиль илова” йўналишида 1-ўринни эгаллаган бўлса, “One million Uzbek Coders” лойиҳасида қатнашган 6 нафар дастурчи талабадан беш нафари сўнгги “Nanodegree” босқичига етиб келди.

2020 йил 25 — 30 август кунлари “Digital Generation Uzbekistan NNT” томонидан ўтказилган “Рақамли авлод — 2020” (DG CAMP) онлайн ёшлар оромгоҳида филиал ўқувчилари фаол иштирок этиб, белгиланган курсларни муваффақиятли якунлашди ва сертификатлар билан тақдирланди.

Шунингдек, Миллий университет Жиззах филиалида талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида “KROXUS SOFT” MChJ билан ҳамкорликда “Web-дастурлаш” курси доирасида ёзги таътил тренинг дарслари ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида, кўпчилик талабалар учун яхши имкониятлар яратиб бермоқда ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариб, вилоятдаги идора ҳамда ташкилотлар, муассасаларни арзон, сифатли сайтлар, маълумотлар банки каби ўнлаб маҳсулотлар билан таъминлашга шароит яратаётир.

### Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш

Бугунги кунда юртимиз олий таълим даргоҳларига жаҳон стандартлари, замонавий усул ва услубларни қандай жорий қилиш лозим? Жаҳон таълим интеграциясида Ўзбекистоннинг ўрни эртага қандай бўлади?

Албатта, ўз-ўзидан равшанки, бу каби муаммо ҳамда масалалар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Таълим ва ўқитиш тизимида очиқлик ҳамда шаффофлик тизимининг жорий қилинмаганлиги, етарли ва лозим даражада жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилмаганлиги таълим-тарбия тизимидаги коррупцион ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди, натижада университет ёки институт талабалари тайёр мутахассис бўлиб етишиши қийин кечди. Корхона ёки ишлаб чиқаришга борган вақтда уларнинг билимлари етарли бўлмай қолди. Турли соҳаларда мутахассис бўлиб чиққан ёки педагогика соҳасига борган йигит-қизлар мактаб ва лицейларда дарс беролмади, ишлаб чиқаришда ишлай олмади. Аччиқ бўлса-да, бу ҳақиқат.

Таълим бериш, ўқитиш жараёни шаффоф, халқаро демократик андозалар ва жаҳон стандартлари меъёрлари асосида ташкил этилмас экан, билингки, бу тизимда оқсашлар, хатоликлар бўлавериши табиий ҳол. Таълимни ривожлантириш, уларга инвестицияларни жалб қилиш, янги ихтиролар, инновацияларни яратиш, уларни юртимиз иқтисодиётига татбиқ этиш ортида миллатимиз, халқимизнинг бугуни ва эртанги кун тақдири мужассам. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун давлатимиз раҳбари бошчилигида таълим сифатини яхшилаш, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб билим бериш, талабалар, магистрлар, докторантлар ва профессор-ўқитувчиларни хорижга юбориш, билимини ошириш, хорижий тажрибаларни юртимизда оммалаштириш, инновацияларни татбиқ этиш каби катта ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг таълимни ривожлантириш, унинг сифатини кескин ошириш ва инновацияларни рағбатлантиришга қаратилган Фармон ҳамда қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари замирида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни бўлиши, кучли университетлар қаторидан жой олиши, юртимиз олимлари яратган ихтиролари ва ишланмаларини дунё давлатлари тан олиши, инновацияларини ҳаётга татбиқ қилиш каби саъй-ҳаракатлар мужассам.

Алоҳида қайд этиш жоиз, 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Президент қарорига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли таълим муассасаларида Инновацион жамғарма, университет ҳамда институтларнинг илмий-инновацион ишланмаларини тижоратлаштириш бўлимлари ташкил этилди.

Филиалда яратиладиган илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги механизмларини йўлга қўйиш, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг муҳим тармоқларини жадал ривожлантириш, жаҳон илм-фанининг сўнгги ютуқлари, замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ҳамда технологияларни ҳаётга кенг тарғиб қилиш мақсадида тузилган Инновацион жамғармага филиалнинг иш ҳақи, стипендия ва бошқа жорий харажатлардан ташқари, тўлов-контракт маблағларининг 5 фоизидан кам бўлмаган қисми йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиалида ёшлар билан ишлаш, уларнинг орасидан иқтидорлиларни танлаб олиш ва селекция ишларини амалга ошириш, янги стартаплар, инновацион ишланмаларни филиал ҳаётига татбиқ қилиш, банк кредитлари, хусусий сектор вакиллари маблағларини шу соҳага йўналтириш орқали ҳам таълимни ривожлантириш, ҳам олимлар ҳамда талабаларни рағбатлантириш имконини яратишимиз лозим.

Шундагина бугунги глобаллашув шароитида юртимиз таълим даргоҳлари ҳеч бир давлатлардан ортда қолмайди, инновацион фаолиятимиз ривожланишда давом этади. Энг асосийси, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси мустаҳкамланади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзМУ Жиззах филиали директори,**
**педагогика фанлари доктори, профессор.**

## Хотира

# ХУШНАФАС ХОНАНДА, ОҚИБАТЛИ ИНСОН ЭДИ

*...1980 йилда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Раҳматжон Қурбонов билан Тошкент шаҳрига тўйга хизматга бордик. Шу ерда устоз Отажон Худойшукуров билан илк бор учрашиш насиб этди. Тўй бошланди, хонандалар навбатма-навбат ўз маҳоратини намойиш қилишаётир. Бир пайт устоз Отажон ака: “Раҳматжон, шу қўшнайчи мени ёнимда ҳам чалиб берсин”, деб қолди. Ўша пайтда менинг ҳаяжонимни кўрсангиз эди. Худди имтиҳон топшираётган созанда каби жуда эътибор билан чала бошладим. Созни берилиб чалганим маъқул келди чоғи, шу кундан бошлаб устоз мени доимо ёнида олиб юрадиган бўлди...*

Устознинг ҳавас қиладиган одати бор эди. Ихлоси бор йигит-қизлардан ёрдамини аямасди, ҳатто, ўқиётган талабалар ҳолидан хабар олиб, моддий кўмак бериб турарди.

Отажон аканинг яхши хислатларидан яна бири шуки, фақат бу дунё ташвиши билан бўлиб қолмасдан охиратлари ҳаракатини қилган, бу амалларни ҳамма ҳам билмас эди.

Бир куни “Матрасул юр, масжидни зиёрат қилиб келамиз”, деб қолди устоз. Биз масжидга бориб, Тўрткўл тумани имом-хатиби билан учрашдик, ўшанда масжид янги қурилаётган эди. Устоз имом-хатиб домлага қурилиш тўхтаб қолмаслиги учун қанақа кўмак керак бўлса, беришини айтди. Мени ёнига чақириб, масжид минораси ичига бошлади ва “мана бу минора Отажоннинг минораси бўлади, бундан буёғига “Ота минор” деб юритилади”, деди. Демоқчиманки, устоз ўзи яшаб турган замонда ҳозирги ҳур даврни сезган, кўра билган, савобли ишлар қилишга интилган.

Устознинг ажойиб хислатларидан бири, меҳмондўст эди. Тошкентдан бўладими, Хоразмдан бўладими, дастурхони доимо очиқ бўлган. Ўзи камдан-кам уйда бўлар, бўлган пайтлари шогирдлари, дўстлари, ака-укалари, шинавандалари хонадонини тўлдириб ўтирар эди. Устоз ҳар доим “уйга тез-тез меҳмон чақириб туриш керак, чунки дастурхон, идиш товоқлар ҳам тилак тилаб туради, аёлларимизнинг қўллари ҳам ширindan-шакар бўлиб бораверади”, дерди.

Барча хонанда ва созандалар ўрнак оладиган яна бир одати шундаки, устоз ёнидаги созандаларни жуда ҳурмат қилар, улар билан оилавий борди-келдини канда қилмасди. Раҳматли аёллари Қувонч келинойим бизни худди ўз фарзандларидек кўрар эди.

Умрининг охирларини кўнгли сездими, “Отажон Худойшукуров куйлайди” фильми концертини ёзиб олишга жудаям шошди.

Устоз “Мусиқачилар тўлиқ бўлиб, зўр бўлса, хонанда худди қанотлари бақувват қушдай кўзлаган маррасини доим ва бешак забт этади” деб созандаларнинг ишига юқори баҳо берарди.

Мухтасар айтганда, Отажон Худойшукуров қисқа умр кўрган бўлса-да, ўзбек санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди. У куйлаган қўшиқлар санъат шинавандаларининг кўнгил мулкига айланган.

**Матрасул МАТЯКУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби,**
**Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори.**

# ҚАЛБ ТОРЛАРИНИ ЧЕРТГАН БАХШИ

*Бахшичилик халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунаси бўлиб, унда халқимизнинг миллий ўзлиги, қадимий тарихи, руҳияти, менталитети, қадриятлари, анъаналари ва урф-одатлари акс этган. Умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тан олинган бахшичилик санъати атоқли бахши-шоирларимиз, фольклоршунос олимларимизнинг фидойи меҳнати билан бугунги кунгача безавол етиб келди.*

Ҳозирги кунда мазкур ноёб санъатни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида юртимизда бахшичилик мактаби, болалар мусиқа санъати мактабларида фольклор синфлари фаолият кўрсатмоқда.

Қашқадарёда ҳам қадимдан халқ оғзаки ижоди, унинг етакчи тармоғи — достончилик, хусусан, бахшичилик санъати ривож топган бўлиб, бу ерда ўнлаб бахши-шоирлар яшаб ўтган, бугунги кунда уларнинг ишини авлодлари муносиб тарзда давом эттириб келмоқда.

Тоғай шоир зурриёти Шомурод Маҳманов ҳам Қашқадарё достончилик мактабининг етук вакилларидан бири эди. У болалигидан отасидан халқ достонларидан термалар эшитиб, бахшичиликка меҳр қўйди. Бу меҳр уни бахшичиликнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштиришга ундайди. Ўз устида тинмай ишлайди, репертуарини бойитиб, ижро маҳоратини такомиллаштириб боради. Ўзи ҳам достонлар, термалар яратиб, уларни тингловчиларга манзур бўладиган, дилларни сел қиладиган даражада ижро этадиган бахши бўлиб етишди. Бахши бу билан халқимиз меҳрини қозонди, йирик фольклоршунос олимлар эътирофига сазовор бўлди.

У ижодида кўпроқ инсон тақдири, тарих ва келажак, бугунги замондошларимиз ҳаёти, халқимиз юрагидаги дарду армон, қувонч ҳамда ташвишларни тараннум этган. Шомурод бахши “Гўрўғли” достонидан кўплаб термалар ижро қилган, жумладан, “Меккам чол” термасини ёзиб, ўзи куй басталаган. Ўз ҳаёти ҳақида ҳам жўшиб куйлаган. У фавқулодда кучли хотирага эга бўлиб, достонларни ёддан билган, уларни дўмбира чертиб ёқимли ва ширали овозда маҳорат билан куйлаган.

Шомурод бахшининг бахшичилик санъати ривожига қўшган ҳиссаси муносиб баҳоланиб, у “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” унвони билан тақдирланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ташкил этилгани халқ бахшисини ғоятда қувонтирган, кекса оқин халқимизнинг бебаҳо маданий бойлигига бундай эътиборни кўриб, қувонганидан кўзларига ёш олган эди.

Умрининг асосий қисмини ижодга, бахшичилик санъати ривожига бағишлаган Шомурод ота шу йилнинг 24 сентябрь куни, 88 ёшида вафот этди.

Халқ оғзаки ижоди, хусусан, бахшичилик намуналари — халқимиз маънавий хазинаси. Бу бойликни асраб-авайлаб, ривожлантириб, халқимизга тақдим этган, ўзидан кўплаб шогирдлар қолдирган Шомурод бахшининг достон ва термалари халқимиз маънавий хазинасига айланган. Унинг ижоди ёш авлодни миллий ўзликни англаш, Ватанга садоқат, тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

**Абдуғаффор БЎРИЕВ,**
**Республика бахшичилик санъати маркази давлат муассасаси бош директори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 702 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.37 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6